

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Ўзагроинспекция» бошлиғи

Вахит А. Вахабов
2021 йил «19» декабрь

Коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган «Ўзагроинспекция» ходимларининг фаолият соҳалари
ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг


РЎЙХАТИ

Т/р	«Ўзагроинспекция» ходимлари фаолият соҳалари	Лавозимлари	Функция (ваколат)лари
1.	Текширувлар ўтказиш.	«Ўзагроинспекция» таркибий бўлинмаларининг текшириш ҳуқуқи мавжуд инспекторлари	<p>1. Инспекцияга юкланган вазифаларни бажариш учун давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалардан зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материалларни бепул олиш.</p> <p>2. Инспекцияга юкланган вазифалар доирасида тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолияти устидан текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида текширишларни амалга ошириш, далолатнома расмийлаштириш;</p> <p>3. Текшириш ва таҳлиллар давомида аниқланган ҳолатларга аниқлик киритиш ёки қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар қорхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ходимларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш.</p> <p>4. Текшириш ва таҳлиллар давомида аниқланган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар қорхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ходимларини жалб этиш қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш.</p> <p>5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш.</p> <p>6. Давлат органлари ва ташкилотларига, шунингдек идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар юридик шахслар ва уларнинг мансабдор</p>

			<p>шахсларига ҳамда жисмоний шахсларга бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш.</p> <p>7. Соҳада қонун бузилиши ҳолатларини ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотларга ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш.</p> <p>8. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, Инспекция ваколатига тааллуқли ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллаш.</p> <p>9. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув олиш тартибини бузганлик учун жарима санкциялари қўллаш.</p> <p>10. Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб берилган даъволар ҳамда аризалар юзасидан давлат божисиз судга ёки бошқа органга мурожаат этиш.</p> <p>11. Зарур ҳолларда давлат органлари ва назорат қилувчи органлар ходимларини ҳамда уларнинг воситаларини ўз функцияларини бажариш жараёнида жалб этиш;</p>
2.	<p>Назорат синовларини ўтказиш ҳамда бажарилиши мажбурий ҳисобланган хулосалар бериш.</p>	<p>«Ўзагроинспекция» марказий аппарати Пахта хом-ашёси ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлардан фойдаланишни назорат қилиш бўлими ва унинг ҳудудий бўлинмалари инспекторлари</p>	<p>Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинлари уруғлари, шунингдек, улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифати бўйича хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, назорат синовларини ўтказиш ҳамда мамлакат ичида ва экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда фойдаланиладиган жисмоний ва юридик шахслар учун бажарилиши мажбурий ҳисобланган хулосалар бериш.</p>
3.	<p>Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари ҳамда агросаноат мажмуи маҳсулотлари синовларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш.</p>	<p>«Ўзагроинспекция» марказий аппарати Техникалар ҳолатини назорат қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари инспекторлари,</p>	<p>1. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан чиқариш бўйича давлат хизматини кўрсатиш натижасида давлат рақам белгиси ва техник паспорт бериш.</p> <p>2. Техник паспорт берилмайдиган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш машиналари, агрегатлари ва асбоб-ускуналарига техник гувоҳнома бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш натижасида техник гувоҳнома бериш.</p> <p>3. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини ҳисобга қўйиш ва ҳисобдан чиқариш бўйича давлат хизматини кўрсатиш натижасида ҳисобга қўйиш ва ҳисобдан чиқариш.</p>

		<p>Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази ДУК ва унинг худудий филиаллари ходимлари</p>	<p>4. Тракторчи-машинистдан имтиҳонларни олиш ва уларга гувоҳнома бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш натижасида гувоҳнома бериш.</p> <p>5. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини рўйхатдан ўтказиш учун давлат рақами белгиларини бериш, яроқсиз ҳолга келган, шикастланганлари ўрнига янги давлат рақами белгиларини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш натижасида давлат рақам белгиси бериш.</p> <p>6. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида пластик шаклдаги техник паспорт ва вақтинчалик гувоҳнома бериш бўйича давлат хизматини кўрсатиш натижасида техник паспорт ва вақтинчалик гувоҳнома бериш.</p> <p>7. Мажбурий техник кўриқдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш натижасида техник кўриқ талони бериш.</p> <p>8. Қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари учун маълумотнома бериш, тақиқларни қайд этиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш натижасида маълумотнома бериш.</p> <p>9. Пахта толасини сертификатлаш.</p> <p>10. Пахта момиғини сертификатлаш.</p> <p>11. Оқартирилган гигроскопик момиқ пахтани сертификатлаш.</p> <p>12. Момиқ пахтани сертификатлаштириш.</p> <p>13. Пахта техник чигитини сертификатлаш.</p> <p>14. ЯМР АМБ-1006М ускунасида ёғдорлик кўрсаткичини аниқлаш.</p> <p>15. Техник чигитни сифат ва хавфсизлик бўйича сертификатлаштириш.</p> <p>16. Кийим-кечак ва мебелбоп момиқ пахтани сертификатлаш.</p> <p>17. Ёғ-мой маҳсулотларини сертификатлаш.</p> <p>18. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш.</p> <p>19. Уруғлик пахта чигитини услубий таҳлил қилиш ва тупроқда нав тозалигини баҳолаш.</p> <p>20. Донли экинлар уруғларини услубий таҳлил қилиш ва тупроқда нав тозалигини баҳолаш.</p> <p>21. Дон ва қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни сертификатлаш.</p> <p>22. Ўлчаш ва синаш воситаларини метрологик аттестациядан ўтказиш.</p> <p>23. Уруғлар, дуккакли, мойли экинларни ва бошқа дон экинларини қайта ишлашга сертификат бериш.</p> <p>24. Дон ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни синовдан ўтказиш.</p>
--	--	---	---

Коррупцияга қарши ички назорат
бўлими бош инспектори



А. Очиллов